

Ўзбекистон
Respublikasi
mustaqilligining
34 yilligi
muborak bo'lsin!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 34 (1551) 2025-YIL 29-AVGUST, JUMA

adolat24.uz/

t.me/Gazeta_Adotat

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Мустақиллик, аввало, халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берган улғу неъматдир. Истиқлол сабаб, юртимиз дунёга қайта юз очди. Кўп минг йиллик давлатчилик тарихимизда янги саҳифа очилди. Барча саъй-ҳаракатлари нсон қадрини улғулаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлашга йўналтирилди.

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Албатта, буларнинг замирида мустақиллик берган имкониятлар мутассам десак, янгиликмаймиз. Айниқса, сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган тарихий ислохотлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Барча жабҳаларда рўй берётган улкан ўзгаришлар халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва фаровон ҳаётга интилишини мустаҳкамлапти. Бугун биз фахр билан айта оламизки, Ўзбекистон янги тарихий босқичга қадам қўйди.

Аввало, Конституциямизнинг янги тахрирда қабул қилинган халқчил ислохотлар учун пойдевор вазифасини ўтаётганини таъкидлаш лозим. Зеро, Бош қомусимизда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" дея мустаҳкамланган қоида ҳаётимизда яққол акс этмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратмай туриб, адолатли жамият қуриш имконсиз. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгани, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" каби механизмлар яратилгани аҳолининг камбағал қатламларини қўллаб-қувватлашда қўл келмоқда. Ушбу дастурлар орқали ҳар йили қийин вазиятга тушиб қолган қарийб 540 000 оилга турли кўри-нишдаги ижтимоий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Натижада, 2017 — 2024 йилларда 3,5 миллион нафардан ортиқ фуқарога моддий ва ҳуқуқий ҳимма берилди, 2,2 миллионга янги иш ўрни яратилди, камбағаллик сезиларли даражада пасайишига эришилди.

Юзма-юз мулоқот

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ — юрт истиқболи

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараси, аввало, уларнинг халқ ҳаётидаги амалиётига узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам парламент вакилларининг аҳоли билан доимий мулоқотда бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, одамларнинг бугунги кайфияти билан қизиқиш, фикр ва таклифларини эшитиш — миллий тараққиётимизга куч ва суръат берувчи асосий омиллардан биридир. Бошқа томондан халқ билан юзма-юз мулоқот — жойларда юзга келаётган муаммоларнинг асл моҳиятини англаш, сабаб ва оқибатларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда энг мақбул ечимларни белгилаш имконини яратади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз депутатлари ҳудудлардаги ўрганишларини изчил давом эттирмоқда. Уларда ижтимоий масалалар, инфратузилма ривожини, маҳаллаларнинг кундалик эҳтиёжи ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш каби долзарб йўналишлар кўриб чиқилмоқда. Айрим масалалар жойида ҳал этилиб, қолгани аниқ режа асосида масъул идоралар зиммасига юклатилди. Депутатларимиз фаолиятида аҳоли мурожаатлари ортидан тизимли ишлар, амалий ечимлар ва изчил назорат механизми йўлга қўйилмоқда.



МУСТАҚИЛЛИК
ФАРЗАНДИ



ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА



МАКТАБ —



буюк орзулар
бешиги!



ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

1 2025 йилда давлат бюджети харажатларининг 52 фоизи, яъни 177,7 триллион сўм ижтимоий соҳаларга – таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа ижтимоий йўналишларга ажратилгани ҳам юртимизда инсон қадрли тобора улуғланиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Инклюзив таълим тизими йўлга қўйилгани имконияти чекланган ёшларга сифатли билим беришга замин яратди. Шу кунгача инклюзив таълим жорий этилган мактаблар сони 947 тага етказилиб, 2 минг нафарга яқин ўқувчи қамраб олинди.

Амалиёт билан уйғунлиқни кучайтириш мақсадида йўлга қўйилган дуал таълим тизимида бугунги кунда 15

минг талаба 957 та корхонага бириктирилди.

Билимли, салоҳиятли қизларга берилаётган имтиёзлар кўлими ҳам салмоқли. Бакалавр босқичида контракт асосида таълим олаётган қизларга 7 йилгача фойсиз кредит ажратилаётгани, магистратура босқичига кирган қизларнинг контракт тўловлари бюджет ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилган ҳам Бош қомусимизда қайд этилган “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар залворини кўрсатиб турибди.

“Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори доирасида сўнгги 8 йилда 1,5 миллион нафар йигит-қизлар ахборот технологияларига ўқи-

тилди, 500 минг нафар ёш ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Бу чоралар ёшларни Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Саккиз йиллик тарих кўз олдимиздан ўтар экан, барча ислохотлар замирида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, мамлакатимиз халқаро нуфузини ошириш мақсади ётганини ҳис қиламиз.

Давлат хизматларининг рақамлаштирилиши билан фуқароларнинг ортиқча сарсон бўлишига чек қўйилди, коррупция жиловлана бошлади. Меритократия принципига асосланган давлат хизмати мамла-

кат бошқарувини самарали ва очик қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Иқтисодийётдаги дадил қадамлар ҳам қачонлардир қўл етмас оруз бўлгани ҳақиқат. Солиқ ставкалари қисқариши, субсидия ва имтиёзли кредитлаш тизимлари тадбиркорлик ҳаракатининг кенг қўлчоқ ёйишига, янгидан-янги корхоналар ишга тушиши ва юз минглаб янги иш ўринлари яратилишига замин яратди. Валюта сиёсатининг либераллашуви ҳам халқимизни йиллар давомида қийнаб келадиган масалалардан бири эди.

Халқ ҳар қандай давлатнинг энг асосий бойлиғидир. Шу маънода, аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга. Зотан, халқи соғлом мамлакатгина ёрқин келажак ҳақида орзу

қилиши мумкин. Юртимизда бу жиҳатга ҳам катта аҳамият қаратилган. Марказдан олис ҳудудларда ҳам янги, замонавий шифохоналар барпо этилаётгани, замонавий тиббий ускуналар билан таъминланаётгани, малакали мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилгани, шифокорларимиз хорижий тажрибаларни ўзлаштираётгани соҳанинг тобора тараққий этиб бораётганидан далолат беради.

“Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастурида “Адолатли ва мустақил суд тизимини янада такомиллаштириш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш”ни бош мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Эътиборлиси, айнан мустақиллик берган имкониятлар сабаб, суд-ҳуқуқ тизими ҳам ислохотларга юз тутди. Сўнгги 8 йилда ушбу жараён янада жаддалашди.

Юртимизда амалга оширилаётган бу каби ислохотлар нафақат тарихий аҳамиятга эга, балки халқимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамламоқда. Халқнинг ишончи, саёй-ҳаракатлари ва давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан барпо этилаётган бу пойдевор бизни келгуси муваффақиятлар учун илҳомлантиради. Энди энг асосий вазифа – эришилган ютуқларни асраб-авайлаш, уларни янада бойитиш ва ислохотларимизни янги чўққиларга олиб чиқишдир. Бу йўлда халқ билан ҳамнафас бўлиб, бор имконият ва салоҳиятимизни ишга солишимиз лозим.

Маъмурий судловнинг алоҳида тизим сифатида ажратилгани, ҳўжалик судлари негизда иқтисодий судлар ташкил қилиниб, либераллаштирилгани, “Рақамли суд” тамойили амалиётга жорий этилаётгани судларга халқимиз ишончининг ортишига, ортиқча бюрократия ва оворагарчиликларга чек қўйилишига замин яратди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам салмоқли ишлар рўёбга чиқапти. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинган жамиятнинг бу иллатга қарши умумий сафарбарликка чорлади.

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ — юрт истиқболи

1 **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. “Адолат” СДП** **Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Робохон Махмудова** бошчилигидаги ишчи гуруҳ Фарғона вилоятида бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини ўрганди.

Ўрганиш кўп тармоқли шаҳар марказий поликлиникаси фаолияти билан танишишдан бошланди. Тиббий-теъдасасида яратилган замонавий шароитлар Янги Ўзбекистоннинг халқ саломамлиги йўлидаги устувор мақсадларининг ёрқин ифодасидир. Кўп тармоқли марказий поликлиника биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага келтирилгани эътиборга молик. Бугунги кунда 400 минг аҳолига тор доирадаги олий тоифали шифокорлар томонидан кенг қўламли тиббий хизматлар кўрсатилмоқда.

Робохон Махмудова Қонунчилик палатаси депутаты Манзура Салимова, партиянинг Фарғона вилояти кенгаши раиси Шахноза Ғаниева ҳамроҳлигида поликлиниканинг замонавий диагностика ускуналари – УЗИ, УТТ, томография, рентген, энцефалография ва холтер-монитор каби жиҳозлар билан таъминланганлик даражасини ўрганди. Шунингдек, аёллар ўртасида онкологик касалликларни барвақт аниқлаш бўйича олиб борилаётган тиббий текширувлар жараёни ҳам кўздан кечирилди. Поликлиникада аёллар ўртасида кўрак бези ва бачадон бўйни саратон касалликларини эрта аниқловчи колоноскопия аппарати ҳам мавжуд.

Ушбу тиббий ускуналар ёрдамида жуда кўп-лаб касалликларни эрта аниқлаш ва аниқ ташхис қўйиш имкониятлари яратилганлиги шаҳар аҳолиси саломаатлигини муҳофаза қилишда кўл келади. Партия етакчиси хизмат сифатини янада ошириш юзасидан ўз тақлифларини билдирди.

нум сўнггида партия лойиҳаларини амалга ошириш, аъзолар сафини кенгайтириш ва Сайловолди дастуридаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришдаги ташаббускорлиги учун бир гуруҳ фаоллар ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кўннинг иккинчи ярмида партия етакчиси Фарғона давлат университетида бўлиб, 8-сонли талабалар турар-жойида яратилган шароитлар билан танишди. “Ёдгорлик” ипакчилик фабрикасида бўлиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш борасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. **“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Нодира Рашидова** Қораўзақ туманининг “Қутли макон” ва “Мустақиллик гузари” маҳаллаларида бўлиб, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда Президентимиз томонидан белгиланган ижтимоий дастурларнинг ижросини таҳлил қилишга эътибор қаратди. Хусусан, “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси депутат диққат марказида бўлди.

– *Маҳаллалардаги ўзгаришлар одамлар ҳаётига бевоқиф таъсир қилаётганини кўриб турибмиз, – деди Нодира Рашидова. – Биз учун энг муҳим жиҳат – муаммоларни юзакка қайд этиш эмас, балки амалда натижа берувчи ечимларни ишлаб чиқишдир. Шу боис, ҳар бир фуқаронинг тақлиф ва мурожаатларини диққат билан эшитиб, уларни тез фурсатда ҳал қилишни асосий вазифамиз, деб биламиз.*

Жараёнда ҳудуд фаоллари, партия вакиллари иштирокида очик мулоқотлар ташкил этилди. Аҳолини қийнаётган масалалар атрофида муҳокама қилиниб, айримлари шу жой-

қўпроқ мулоқот уюштириб, уларнинг эҳтиёж ва тақлифларини тинглаш орқали тизимда янада самарали ўзгаришларга эришилмега ҳаракат қилиялмиз.

Яқунда тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Шу билан бирга, онкологик касалликларни барвақт аниқлаш самарадорлигини ошириш ҳамда профилактик тадбирларни кучайтириш масалалари юзасидан тегишли идора ва мутасаддиларга тавсия ва топшириқлар берилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Партия фракцияси аъзоси Гулнора Абдувоҳидова Избоскан туманидаги “Ўрганжи” маҳалласида сайловчилар билан учрашиб, аҳоли турмуш шароити ва ижтимоий масалаларни ўрганди. Учрашув давомида нурунийлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар билан мулоқот қилинди. Улардан бири 75 ёшни қаршилаётган фуқаро Мўхаммадхон Жамолов турмуш ўртоғи Халимахон она билан яшайди. 2 нафар қизи турмушга чиққан, улар уйда ёлғиз қолган. Отаҳон даволашишга муҳтож. Депутат мазкур масалани назоратига олиб, уни ижобий ҳал қиладиган бўлди. Шундан сўнг Гулнора Абдувоҳидова маҳалладаги тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Улар орасида “Хондахон барҳаёт” МЧЖ раҳбари Маҳмудхон Тўрабоев ҳам бор. Унинг қўғирчоқ ишлаб чиқаришга иختисослашган оилавий бизнеси нафақат ўз оиласи даромадини таъминламоқда, балки маҳалладаги 3 нафар фуқарога иш ўрни яратган.

– *Биз сайловчиларимиз ичига кириб бориб, уларнинг фикр-ишларини эшитишни ўз бурчимиз, деб биламиз, – деди депутат Гулнора Абдувоҳидова. – Нуруний отахон ва онахонинча яшаш шароитини ўргандик. Ижтимоий кўмакка муҳтож экани аниқ бўлди. Масъул идоралар билан шу заҳоти боғланиб, муаммоларни ҳал қилишга киришдик. Тадбиркорлар билан учрашувда ишлабдан деган одам учун бугун имкониятлар кенелиги, айниқса, аёл тадбиркорларга берилган имтиёзлар, солиқ тўловларидаги енгилликлар уларнинг фаоллигини ошираётганини таъкидладик.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мавлуда Адҳамжоновна Андижон туманидаги “Янгиобод” маҳалласида бўлиб, “Маҳалла еттичилиги”нинг фаолияти билан танишди. У маҳалланинг аҳоли билан самарали иш олиб бориши, даромадларни ошириш, бандлиги ва тадбиркорлиқни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизлар муаммоларига эътиборини юқори баҳолади.

– *Албатта, бугун маҳалла етакчилигининг аҳоли ичига чуқур кириб бориши ижобий натижа беради, – деди Мавлуда Адҳамжоновна. – Бироқ айрим фуқароларда ҳуқуқий маданият ҳали етарли даражада эмас. Арзимас масалалар ҳам ҳуқуқий билимсизлик ортидан муаммага айланган. Шу сабаб “Ҳуқуқий кўмак” акцияси доирасида тушунтириш ишларини олиб бордик. Суялтирилган газ таъминотидаги узилтишлар ва ички кўчаларни асфальтлаш масаласида мутасаддиларга тақлифлар бердик.*

Депутат маҳаллада ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар билан ҳам учрашди. Уларнинг турмуш шароитини ўрганиб, айрим муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўрди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Миллат истиқболи ва мамлакатнинг иқтисодий-маънавий қудрати, аввало, ёш авлод қандай таълим олишига боғлиқ. Шу боис, Янги Ўзбекистонда таълим соҳаси устувор йўналиш сифатида белгиланиб, замонавий тараққиётнинг асосий шарти сифатида қаралмоқда. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Нодира Жанибекова** юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоятдаги ўрганишлар чоғида таълим муассасаларида педагоглар билан мулоқот қилди қимда таълим сифати ва устозлар фаолиятига эътибор қаратди. Депутат дастлаб Гулистон шаҳридаги 15-сон давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан танишар экан, болажонлар учун яратилган шароитлар ва педагогларнинг ижодкорлигидан хурсанд бўлди.

– *Богчада муҳит жуда самарали ташкил*

этилибди, – дейди Нодира Жанибекова. – 300 нафардан зиёд бола таълим-тарбия оляпти, энг муҳими, уларнинг ижодий фикрлашига йўналтирилган махсус “Ижод устахонаси” ишлаб турибди. Унда тайёрланаётган ҳайкалчалар ва ўқув жиҳозлари орқали болалар қўшимча қўнимларга эга бўлаётганидан қувондик. Педагоглар билан учрашувда уларнинг тақлифларини эшитдик.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилоятидаги таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар ёшлар учун муносиб имкониятлар яратилаётганини кўрсатмоқда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпибоева ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Бехзод Тўхтамуродов Ўрта Чирчиқ туманида бўлиб, таълим ва аҳоли бандлиги соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳолати билан яқиндан танишишди. Ўрганиш тумандаги 42-ихтисослаштирилган давлат мактабидан бошланди. Таъкидлаш керак, инглиз тилига иختисослашган мазкур таълим даргоҳида сўнгги йилларда “Бир касб – икки тип” дастури асосида хитой тили йўналиши ҳам жорий этилгани натижасида ўқувчилар замонавий тиллар ва касбий қўнимларини уйғун ҳолда эгаллаш имкониятига эга бўлмоқда.

Шундан сўнг депутат ва партия вакиллари “Manneuev Agro Klastar” МЧЖ фаолиятини ўрганди. Корхона 2022 йилда ташкил этилган ва қўзқорин етиштиришга иختисослашган бўлиб, ҳозирда 78 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, 500 та хонадон кооперация асосида жалб этилгани натижасида 1500 нафардан ортиқ аҳоли доимий иш ўрни билан таъминланган. Корхонанинг йилгига 120 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ва 3 миллиард сўмлик йиллик даромади тумандаги иқтисодий салоҳиятни оширишда муҳим роль ўйнамоқда. “Оилавий тадбиркорлик”, “Бизнесга биринчи қадам” ва “Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш” дастурлари, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили нафақат аҳоли даромадини кўпайтириш, балки маҳалланинг иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

– *Таълим тараққиётимизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, – деди Озода Парпибоева. – Бу борада мактабларда замонавий фанларни ўқитиш, хорижий тилларни чуқур ўргатиш, энг асосийси, ёшларимизнинг дунёқараши ва интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Айни кунларда янги ўқув йилини муносиб қутуб*

этилибди, – дейди Нодира Жанибекова. – 300 нафардан зиёд бола таълим-тарбия оляпти, энг муҳими, уларнинг ижодий фикрлашига йўналтирилган махсус “Ижод устахонаси” ишлаб турибди. Унда тайёрланаётган ҳайкалчалар ва ўқув жиҳозлари орқали болалар қўшимча қўнимларга эга бўлаётганидан қувондик. Педагоглар билан учрашувда уларнинг тақлифларини эшитдик.

Хулоса қилиб айтганда, Сирдарё вилоятидаги таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар ёшлар учун муносиб имкониятлар яратилаётганини кўрсатмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ойдин Абдуллаева Сергели туманидаги “Иззатли” маҳалласига бориб, “Маҳалла еттичилиги” фаолияти ҳамда аҳолини қийнаётган масалалар ҳолатини ўрганди. Жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ижроси таҳлил қилиниб, амалий ечим талаб қиладиган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

– *“Иззатли” маҳалласида Вазирлар Маҳкамасининг 702-сонли қарориди назарда тутилан вазифалар ижросида кечикишлар бор, – дейди Ойдин Абдуллаева. – Электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ ва канализация каби ҳаётли муҳим масалалар ҳал этилмай қолган. Бу муаммолар аҳоли турмуш тарзига бевоқиф таъсир қилаётганини кўриб турибмиз. Шунинг учун фақат муаммонни қайд этиш билан чекланимай, уларнинг сабабини ўрганиб, аниқ ечимга йўналтирилган тақлифлар ишлаб чиқамиз.*

Депутат шунингдек, “Олтин водий” маҳалласида аёлларга нисбатан ўзравонлик ҳолатлари юзасидан мурожаатни ўрганиб, ички ишлар органлари масъуллари билан биргаликда жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қонуний қўллаб-қувватлаш чораларини кўришга келишиб олди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Елена Борисова Чилонзор туманидаги “Беҳқўрғон” маҳалласида жойлашган 33-сон оилавий поликлиника фаолияти билан танишди. Тиббиёт муассасасининг янги таъмирланган икки қаватли биносида УЗИ, ЭКГ, стоматология, кўрик ва эмлаш хоналари фаолият юритмоқда ҳамда 8 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

рор ривожланиш имкониятини яратди. Қолаверса, янги иш ўринлари қўйилиб, аҳоли турмуш сифати яхшиланишига эришилди.

Ўрганишлар сўнггида таълим ва бандлик соҳаларида кузатиладиган ижобий тажрибалар умумлаштирилди. Ишчи гуруҳ томонидан илгари сурилган тақлифлар тегишли мутасаддиларга етказилди. Энг муҳими, мулоқотлар жараёнида аҳоли тақлиф ва фикрларига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ойдин Абдуллаева Сергели туманидаги “Иззатли” маҳалласига бориб, “Маҳалла еттичилиги” фаолияти ҳамда аҳолини қийнаётган масалалар ҳолатини ўрганди. Жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ижроси таҳлил қилиниб, амалий ечим талаб қиладиган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

– *“Иззатли” маҳалласида Вазирлар Маҳкамасининг 702-сонли қарориди назарда тутилан вазифалар ижросида кечикишлар бор, – дейди Ойдин Абдуллаева. – Электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ ва канализация каби ҳаётли муҳим масалалар ҳал этилмай қолган. Бу муаммолар аҳоли турмуш тарзига бевоқиф таъсир қилаётганини кўриб турибмиз. Шунинг учун фақат муаммонни қайд этиш билан чекланимай, уларнинг сабабини ўрганиб, аниқ ечимга йўналтирилган тақлифлар ишлаб чиқамиз.*

Депутат шунингдек, “Олтин водий” маҳалласида аёлларга нисбатан ўзравонлик ҳолатлари юзасидан мурожаатни ўрганиб, ички ишлар органлари масъуллари билан биргаликда жабрланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қонуний қўллаб-қувватлаш чораларини кўришга келишиб олди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Елена Борисова Чилонзор туманидаги “Беҳқўрғон” маҳалласида жойлашган 33-сон оилавий поликлиника фаолияти билан танишди. Тиббиёт муассасасининг янги таъмирланган икки қаватли биносида УЗИ, ЭКГ, стоматология, кўрик ва эмлаш хоналари фаолият юритмоқда ҳамда 8 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

– *Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар, аввало, аҳолининг бирламчи тиббий хизматдан розилини таъминлашга қаратилган бўлиши шарт. Бу ерда яратилган шароитларни кўриб қувондик. Лектин тизимда ҳали ечимини қутаётган масалалар ҳам йўқ эмас: профилактик тадбирларни кучайтириш, скрининг жараёнларини самарали ташкил қилиш, тиббий маданиятни ошириш – устувор йўналишлардан бўлиб қолмоқда. Биз бу йўналишда қонунчилик асосида амалий тақлифлар ишлаб чиқамиз, – деди Елена Борисова.*

Учрашувда маҳалла раиси Х.Йўлдашев ва Чилонзор туман тиббиёт биролашмаси раҳбари И.Рўзиев иштирок этиб, аҳолини қийнаётган муаммолар юзасидан маълумот беришди. Депутат томонидан соғлиқни сақлаш тизимини янада самарали йўлга қўйиш, замонавий ташхис ва даволаш усулларини жорий этиш ҳамда аҳоли мурожаатларини манзилли ҳал этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати ходими Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ тайёрлади



Шундан кейин “Адолат” СДП Фарғона вилояти кенгашининг навбатдаги III Пленуми ўтказилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар таҳлили юзасидан депутат кенгаши раиси Шахноза Ғаниева ҳисобот берди. Ҳисобот даврида 2 045 та тадбир ташкил этилиб, уларда 81 600 нафар юртдошларимиз қамраб олинган. Жумладан, апрель – “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида 515 та тарғибот тадбири ташкил этилган. Ёшлар соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида эса 828 та мактабгача таълим муассасасида 165 667 нафар бола тиббий қўриқдан ўтказилган. Натижада 110 нафар болада яссиоёқлик, 47 нафаридида сколиоз касаллиқлари аниқланган тадбирлар самарасидан дарак бермоқда.

Ҳисобот даврида партияимиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган фарғоналик депутатлар томонидан 81 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 85 фоизи ижобий ҳал этилгани айтилди. Бундан ташқари, 132 марта мансабдор шахслар ҳисоботи эшитилгани эътиборга моликдир. Партия етакчиси ўз қиёшида маҳаллий партия ташкилотлари ва депутатлар фаоллигини янада кучайтириш юзасидан ўз тақлифларини билдирди, йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтди.

Йиғилиш якунида кун тартибидидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Пле-

нинг ўзида ечимини топди. Айримлари мутасадди идораларнинг чора-тадбирлар режасига киритилди.

Кўйи палатанинг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси Тоҳир Полвонов Беруний туманидаги 14-сон оилавий поликлиникаси, Нукус шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий хизмат сифатини кўздан кечирди. Ўрганиш чоғида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларининг иш шароити, аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўлими ҳамда скрининг дастурлари ижроси таҳлил қилинди. Хусусан, онкологик касалликларни барвақт аниқлаш ва аҳоли саломаатлигини муҳофаза қилиш йўналишидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

– *Бирламчи тиббий хизмат халқ саломатлигининг асосий устуни ҳисобланади, – деди Тоҳир Полвонов. – Шундан келиб чиқиб, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш биз учун устувор вазифадир. Бунда шифокорларнинг билим ва қўникмаларини доимий ошириб бориш, замонавий ташхис ва даволаш усулларини амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан аҳоли билан*

нинг ўзида ечимини топди. Айримлари мутасадди идораларнинг чора-тадбирлар режасига киритилди.

Кўйи палатанинг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзоси Тоҳир Полвонов Беруний туманидаги 14-сон оилавий поликлиникаси, Нукус шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий хизмат сифатини кўздан кечирди. Ўрганиш чоғида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларининг иш шароити, аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўлими ҳамда скрининг дастурлари ижроси таҳлил қилинди. Хусусан, онкологик касалликларни барвақт аниқлаш ва аҳоли саломаатлигини муҳофаза қилиш йўналишидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

– *Бирламчи тиббий хизмат халқ саломатлигининг асосий устуни ҳисобланади, – деди Тоҳир Полвонов. – Шундан келиб чиқиб, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш биз учун устувор вазифадир. Бунда шифокорларнинг билим ва қўникмаларини доимий ошириб бориш, замонавий ташхис ва даволаш усулларини амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан аҳоли билан*



олиб, таълим муассасалари ва партияимиз тузилмалари билан ҳамкорлигимизни кенгайтурсак, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

– *Ҳудудларда бандлиқни таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш масаласида самарали моделлар жуда зарур, – деди Бехзод Тўхтамуродов. – Кластер тизими орқали аҳоли уй шароитида қўзқорин етиштириб, бозорга тайёр маҳсулот топшириши мумкин. Бу эса оилалар учун доимий даромад, маҳалла учун иқтисодий фаоллик, туман учун эса барқа-*

ИСЛОҲОТЛАР АСОСИДА

барпо этилаётган келажак

Сўнгги саккиз йил ичида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва “Инсон – жамият – давлат” тамойили асосида олиб борилаётган улкан ўзгаришлар бугунги кунда жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилamoқда. Бу янгиланиш жараёнида нафақат давлат органлари ёки тижорат ташкилотлари, балки ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир ёш ўз ўрнини, масъулиятини ҳис қилиб ҳаракат қилмоқда. Эндилиқда халқ ислохотлар томошабини эмас, балки тўғридан-тўғри иштирокчисига айланмоқда.

Президентимиз жорий йил 20 август куни Янги Тошкент шаҳрида ўтказган тадбиркорлар билан анъанавий очиқ мулоқот бу жараённинг амалдаги ёрқин ифодасидир. Бу шунчаки учрашув эмас, балки халқ билан давлат ўртасидаги ишончли мулоқотнинг, халқнинг овози эшитилаётганининг исботидир. 2021 йилдан бошлаб йўлга қўйилган бу очиқ мулоқотларда ҳар йили минглаб тақлифлар, ташаббуслар, муаммолар билдирилиб, уларнинг қўпчилиги қонун ва қарорлар даражасида ўз ифодасини топтомоқда. Бу эса Президентнинг халққа юзланиши, халқ билан маслаҳатлашиб қарор қабул қилиши, ҳар бир қарор замирида инсон манфаати ётганининг тасдиғи бўлимоқда.

Бу йилги учрашув орқали ҳам тадбиркорлар учун янги имконият эшиклари очилди. Мактабгача таълим қамрови 2017 йилдаги 27 фоишдан 77 фоишгача оширишга эришилган бўлса, энди мактабгача таълим қамрови паст бўлган 80 та туманда хусусий боғча ташкил этувчи тадбиркорларга ер, кредит, солиқ ва моддий рағбат борасида улкан енгилликлар яратилади. Бу нафақат болаларни таълимга кенгроқ қамраб олишга хизмат қилади, балки минглаб иш ўринларини яратади, янги бизнес йўналишлари, жамиятда таълим маданиятини ошириш каби кўплаб ижобий ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, ёшлар ўртасида стартап маданиятини шакллантириш мақсадида “Ёш тадбиркорлар чемпионати” ташкил этилади. Энг яхши 100 та гоё тахлаб олиниб, ҳар бир лойиҳага 1 миллиард сўмгача сармоа ажратилади. Молиявий ва маркетинг хизматлариға, махсуслотни брендага айлантиришға ердам берилади. Буларнинг барчаси — давлат ёшларға ишонч билдираётганидан, уларни фақат таълимда эмас, ҳаётда ҳам муваффақиятли шахс сифатида тарбиялашға интилаётганидан далолат беради.

Биз бугун шундай даврда яшаёмизки, ҳар кунимиз — кечагидан фарқ қилади. Янги Ўзбекистон гоёси энди шиор эмас, балки ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Мана, бугун мамлакат ялпи ички махсуслоти 110 миллиард доллардан ошиб, илгари тасаввур қилиб бўлмас даражадаги иқтисодий ўсиш таъминланди. “Яшил иқтисодиёт”, “очиқ банкинг”, “рақамли хизматлар” ва “инновацион лойиҳалар” — бу иборалар мақсадга муताхассислар, балки оддий фуқаролар, тадбиркорлар, ёшлар учун ҳам яқин, тушунарли ва кундалик ҳаётга айланоқда. Буларнинг барчасини давлатимиз раҳбари томонидан йўлга қўйилган прагматик, узокни кўзлаган сиёсатнинг самараси дейиш мумкин.

Таълим соҳасида эса мисли қўрилмаган ўзгаришлар кузатиляпти. Илк бор мактабларимиз халқро EGRA, EGMA ва PISA баҳолаш тизимларида таълим майдонида Ўзбекистоннинг ҳам ўз ўрнини эгаллашға интилуви давлатга айланганини англатади. Ҳозирда ҳар бир туманда ижод, ихтисослашган мак-

таблар, Президент мактаблари ташкил этилди. Хусусий ва хорижий университетларга рухсат берилиб, юртимиздаги талабалар қамрови 9 фоишдан 47 фоишгача кўтарилди. Бу натижалар нафақат рақам, балки келажак авлодга қаратилган стратегик сармоа ҳисобланади.

Бу ислохотларға жавобан, жамиятда ҳар бир инсоннинг ўз вазифаси бор. Ҳар бир ота-она фарзандига таълим беришға, уларда қонунга, Ватанга, меҳнатға муҳаббат уйғотишға масъул. Ҳар бир ўқитувчи фарзандларимизнинг дунёқараши, савияси ва келажакдаги фаоллигига асос солувчи билим фидойиси сифатида фаолият олиб бориши керак. Ҳар бир тадбиркор, ишлаб чиқарувчи, хунарманд — маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, чет эл инвестицияларига ишонч йўғотишда ўз ҳиссасини қўиши лозим.

Олимплар эса илм-фан ривожини, инновациялар ва янги технологияларни жамият ҳаётига татбиқ этиш борасида ташаббускор бўлишлари зарур. Давлат томонидан берилган имтиёзлар, яратилган имкониятлар илм аҳлининг ҳиссасини янада оширишини тақозо этади. Таълим мутахассислари, юксак салоҳиятга эга педагоглар янги авлодни глобал билимлар, замонавий технологиялар билан қуроллантиришға масъулдирлар.

Бу жараёнда журналистлар, блогерлар ва ижтимоий фаоллар ҳам четда турмайди. Улар бугун жамият онгини шакллантирувчи, ислохотлар мазмунини халққа етказувчи кўзгу вазифасини ўтамоқда. Демак, ҳар бир соҳада, ҳар бир касб эгаси ислохотлар жараёнида ўзининг қатъий фуқаролик позициясига эга бўлиши, ўз бурчини ҳис қилиш зарур.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз турт йиллиқ байрамиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармонида айнан шу руҳ — халқ билан ҳамжихатлиқда, жамиятнинг ҳар бир қатламининг фаол иштирокида мустақиллик байрамини муносиви нишонлаш гоёси мужассам. Бу байрам тантанаси шунчаки тадбирлар эмас, балки янгиланиш, ўзгариш, тараққиёт ва келажакка ишонч байрамиға айланиши керак.

Шундай улкан янгиланишлар жараёнида халқнинг давлатға бўлган ишончли мустаҳкамланмоқда. Бу ишонч тасодифий эмас Бу ишонч ҳар бир қабул қилинган қарор, ҳар бир амалға оширилган ташаббус, ҳар бир ёчиллаётган муаммодан сўнг шаклланиб, чуқур илдиэ ормоқда. Аввало, ишонч бор жойда тараққиёт бўлади. Давлат раҳбари айнан шу асосий мезонни етакчи тамойилға айлантирди. У киши ҳар бир чиқишда: “*Мен халқ ичида юриб, унинг дардини эшитиб, фақат халқ билан маслаҳатлашиб қарор қабул қиламан*”, деган гоёни илгари суради. Бу фақат сўз эмас, балки амалиётда ўз исботини топаётган сиёсий маданият намунасидир.

Бугун дунё ўзгармоқда, технологиялар янгиланоқда, глобал таҳдидлар

тобора кенгаймоқда. Шу шароитда Ўзбекистон барқарор тараққиёт йўлини танлаб, сиёсий, иқтисодий ва маънавий устуниликларни уйғунлаштирган ҳолда олдинға интилаётир. Энергия, сув, озиқ-овқат, экология каби йирик глобал муаммоларға ҳам бефарқ эмаамиз. Масалан, “яшил иқтисодиёт”ға ўтиш, қуёш ва шамол энергияси сингари муқобил манбаларни ривожлантиришға қаратилган лойиҳалар бугун инсоният тақдирини болғлиқ масалаларға Ўзбекистоннинг ҳам ўз ҳиссасини қўшаётганидан дарак беради.

Ҳар бир янгилик — яна бир имконият. Ҳар бир имконият эса — масъулият. Демак, биз янги шароитда фақат ҳаёт даражасини яхшилаш эмас, балки янги тафаккур, янги муносабат, янги фуқаролик позициясини шакллантиришмиз керак. Бунинг учун эса билим, маърифат, маданият ва масъулиятли ёндашув талаб қилинади. Айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, илмға ташналик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

Юртимизда таълим тизимидаги ислохотлар айнан мана шу мақсадға хизмат қилмоқда. Бугун ота-оналар фарзандлари учун хусусий боғча ва мактабларни ўзлари танлай олади. Ёшлар фақат маҳаллий университетларда эмас, хорижий ҳамкор олийгоҳларда ҳам таълим олиш имкониятиға эга. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали минглаб ёшлар нуфузли хориж университетларида билим олиб, Ватанға хизмат қилишға қайтмоқда. Бу юртни ривожлантиришнинг энг самарали, узокни кўзлаган йўлидир.

Шу нуктаға назардан қаралганда, мустақиллиқнинг 34 йиллигини қарши олаётган халқимиз шунчаки бир сана ёки байрамни қутиб олмаяпти. У яна бир марта ортиға қараб, босиб ўтирган йўлни баҳоляпти. У олдинға қараб, бўлажақ ютуқлар сари интиляпти.

Шундай экан, ҳар бир соҳа вакиллари бу жараёнда ўз сўзини, ўз ҳиссасини, ўз фидойилигини намоён этиши шарт. Бу фақат ҳукумат ёки бир гуруҳ кишиларнинг иши эмас. Янги Ўзбекистон барчамизнинг умумий уйимиздир. Уни обод қилиш, унда адолат, тараққиёт ва фаровонлиқни таъминлаш умумий бурчимиз. Бир ўқитувчи боланинг кўзида учун ёқса, бир шифокор беморға ҳаёт бағишласа, бир тадбиркор юзлаб иш ўрни яратса, бир журналист ҳақиқатни ёритса, мана шу ишлар орқали Янги Ўзбекистон қурилади.

Президентимиз ҳар гапги чиқишларида: “Биз бирға бўлсак, биздан кучли халқ, кучли давлат йўқ”, деб таъкидлайди. Ҳа, бу ҳаёт ҳақиқатидир. Бирдамлик тараққиётимизнинг, эртанги келажакимизнинг гарови ҳисобланади.

Шу маънода, бизнинг олдимизда турган вазифа ислохотларға шунчаки гувоҳ бўлиб туриш эмас, балки уларнинг фаол иштирокчисига айланиш. Ҳар биримиз ўз соҳамизда, ўз ҳаётимизда, ҳатто оила ичидаги муносабатларимизда ҳам Янги Ўзбекистон фулсафисини, ундаги адолат, масъулият ва тараққиёт руҳини акс эттирмоғимиз лозим. Чунки давлат, жамият ва келажак ҳақидаги тасаввур, аввало, инсоннинг ўзидан бошланади.



Озода ПАРПИБОВЕВА,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси
ўринбосари

Хусусан, жорий йилнинг 20 август куни Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти тенг ҳуқуқ ва адолат тамойилларига асосланган янги давлат-бизнес муносабатлари моделининг шаклланаётганидан, бизнес учун янада самарали ва эркин муҳит яратиш йўлида янги ташаббусларға кенг йўл очилганидан далолат беради. Маълумки, давлат раҳбарининг бундай мулоқот шаклидаги илк учрашуви 2021 йил 20 августда ўтказилган ва ўша пайтдан буён 20 август — Тадбиркорлар куни сифатида умумхалқ байрамиға айланди. Натижада ҳар йили шу санада тадбиркорларни қийнаётган масалалар мунтазам муҳокама қилиниб, амалдаги қонун ва қарорларда ўз аксини топтомоқда.

Шу қисқа давр мобайнида тадбиркорлар томонидан билдирилган мингға яқин тақлиф қонун ижодкорлиғи жараёниға киритилди. Бу жараён давлат ва жамият муносабатларида янги сиёсий маданият, яъни очиқ мулоқот ва ҳамкорлик асосига ўтганимизнинг яққол ифодасидир. Президентимиз мазкур учрашувға ҳам жиддий тайёргарлик қўрилгани, 26 та соҳада 7 мингға яқин тадбиркор билан мулоқот ўтказилгани, 13 мингдан ортиқ мурожаат таҳлил қилинганини таъкидлаб ўтди. Бу эса соҳа ривожига хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар фақат расмий доираларда эмас, балки бевосита халқ ва тадбиркорлар овози билан яратилаётганини англатади.

Эътироф этиш лозим, айнан тадбиркорликка берилган эътибор натижада таълим ва тиббиёт соҳаларида ҳам тарихий ўзгаришлар кузатилмоқда. Масалан, охириг саккиз йилда хусусий боғчалар сони 31 мингға, мактаблар 645 таға етди. Давлат раҳбари боғча қамрови паст бўлган туманларда тадбиркорлар учун ерни 30 йилгача ижара ҳақисиз бериш, субсидия ва имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали таълимдаги хусусий секторни янада рағбатлантириш ташаббусини илгари сурди. Бу — келажак авлодни баркамол ва узукко авлод этиб тарбиялаш масаласига юксак масъулият билан ёндашишнинг амалий кўринишидир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида сўнгги етти йилда хусусий клиникалар сони 3,5 мингдан 8,5 мингға етди. Президентимиз чегара ҳудудларда замонавий тиббиёт кластерлари барпо этиш, уларни 200 миллион долларлик кредит линияси асосида қўллаб-қувватлаш тақлифини билдирди. Бу ташаббус нафақат сифатли тиббий хизмат, балки минтақавий иқтисодиёт учун ҳам янги имкониятлар эшигини очади. Шу билан бирға, тадбиркорликда молиявий хизматлар аҳамиятиға алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўзидаёқ тадбиркорлар ушбу тизим орқали 1 миллиард доллар сармоа жалб қилиш имкониятиға эга бўлиши режалаштирилмоқда.

Алоҳида қайд этиш жоиз, Президентимиз ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашни стратегик йўналиш сифатида белгиледи. Стартапларға 264 миллион доллар хорижий инвестиция киритилгани, 1 мингға гоё тижоратлаштирилиши ва 200 тасининг халқро бозорға чиқарилиши — ёшлар салоҳиятиға бўлган ишончнинг ёрқин ифодасидир. Шунингдек, “Ёш тадбиркорлар” чемпионатини йўлга қўиш орқали голиб стартапларға катта инвестициялар йўналтирилиши, уларнинг брендага айланишиға давлат томонидан кўмак берилиши кўзда тутилмоқда.

Зеро, дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий ислохотлар тажрибаси қонун, тенг сиратадики, иқтисодий тараққиётнинг асосий гарови — адолатли ишун, тенг имконият ва тадбиркор учун эркин муҳитдир. Президентимизнинг тадбиркорлар билан мулоқотида илгари сурилган ташаббуслар эса айнан шу мақсадға қаратилган бўлиб, улар нафақат миллий иқтисодиётимиз, балки халқро майдонда ҳам Ўзбекистоннинг янги иқтисодий имижини юксалтиради.

400 ўРИНЛИ ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИ қойдаланишға топширилди

Исҳоқхон Ибраг номидаги Наманган Давлат чет тиллар институтида давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилган 400 ўринли замонавий талабалар турар-жойи эндиликда талаба-ёшларнинг ҳақиқий “иккинчи уйи”ға айланди.

Бу замонавий маскан нафақат қулай яшаш шароити, балки таълим олиш, маданият-маърифий ва интеллектуал ривожланиш учун ҳам кенг имкониятларни тақдим этмоқда.

Институт ректори Ривожиддин Қаримов янги турар-жой талабаларнинг самарали таълим олиши, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук шахс сифатида камол топишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Наманган вилояти ҳокими ўринбосари О.Базаров, Республика Маънавият ва маъри-

фат маркази вилояти бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М.Опоқов, институт раҳбарияти ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Бундай бунёдкорлик ишлари юртимиз Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида, талабаларнинг турар-жойға бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва ёшлар учун билим олишға замонавий муҳит яратиш йўлидаги изчил қадамлардан бири сифатида аҳамиятлидир.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати



Тухфа



“АДОЛАТЧИЛАР” САФИ ШИФОКОРЛАР ҲИСОБИГА КЕНГАЙМОҚДА

Юртимизда истиқполнинг 34 йиллик шодиёнаси мамлакатимизнинг ҳар бир жабҳасида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида қўйилаётган қадамларнинг ёрқин ифодасига айланмоқда. “Адолат” СДП Наманган вилоят кенгаши ташаббуси билан Республика ихтисослаштирилган дерматология, венерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиалида ўтказилган тарғибот тадбирида мазкур жиҳатга алоҳида урғу берилди.

Унда партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ёркиной Ҳожиматова ҳамда шаҳар кенгаши раиси Мирзараҳмат Олимов сўзга чиқиб, иштирокчиларни яқинлашиб келаётган мустақиллик байрами билан табриклади. Шу билан бирга, “Адолат” СДП Сайловолди дастурида белгиланган устувор йўналишлар, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида амалга оширилаётган ташаббус ва лойиҳалар ҳақида сўз юритишди.

– “Адолат” СДП фаолияти фақат сиёсий жараёнлар билан чегараланиб қолмайди, – деди Ёркиной Ҳожиматова. – Инсон

саломатлигини асраш – энг олий қадрият. Шу боис, биз тиббиёт соҳаси вакиллари билан ҳамкорликни кенгайтириб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш ва адолатли жамият қуришга интиламиш.

Қайд этилганидек, айна пайтда мазкур тиббиёт муассасасида 120 нафардан зиёд малакали шифокор ва техник ходимлар хизмат қилмоқда. Улардан 15 нафари олий тоифали мутахассис ҳисобланади. Марказ кунига 90 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, замонавий тиббий ускуналар – экзимер лазер аппарати (УВБ фототерапия), дерматовенерология ла-



зер ускунаси, ВУД чироғи ва креодиструктор билан жиҳозланган.

– Тиббиётда эришилган ҳар бир ютуқ – аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дея таъкидлади филиал директори Бахтиёр Қодиоров. – Шунинг учун партия билан ҳамкорликда аҳоли манфаатига хизмат қиладиган янги ташаббусларни амалга ошириш биз учун муҳим вазифа.

Учрашув давомида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш,

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати



Соғлиқни сақлаш – ҳар бир инсон ҳаётининг асосий кафолати. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий хизмат сифатини оширишда эса тиббиёт ходимларининг ўрни беқиёс. Шу боис, уларнинг фақат касбий маҳорати эмас, балки фуқаролик позицияси, жамиятда адолат ва қонунийликни қарор топтиришдаги иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси Ҳазорасп туман бўлимида партия туман кенгаши ташаббуси билан фаоллар, депутатлар, тиббиёт ходимлари иштирокида “Саломатлик йўлида бирлашайлик!” мавзусида учрашув ўтказилди. Унда йиғилганларга партиянинг мақсад ва вазифалари, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ этишдаги дастурий йўналишлари ҳамда аҳоли саломатлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Айниқса, тиббиёт соҳасидаги мутахассисларнинг нафақат беморларни даволаш, балки жамиятда соғлом муҳит яратиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва

фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланди. Давра суҳбати давомида тиббиёт ходимлари ўз фаолиятида учраётган муаммолар, аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омиллар, профилактика ишларини кучайтириш зарурияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Бу мулоқот нафақат тажриба алмашиш, балки соҳа ва жамият манфаатлари йўлида қўшма ташаббуслар белгилаш имконини ҳам берди. Яқунда тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган ва жамоат саломатлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшаётган илгирма икки нафар мутахассис “Адолат” партияси сафига қабул қилинди.

Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

“Адолат” социал-демократик партияси Сайловолди дастурида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда жамиятда Конституция ва қонун устуворлиги таъминланишини ўзининг олий мақсади сифатида баён этиб, халқнинг, аҳолининг сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиниши, жумладан, ёшларнинг таълим олиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш масалаларида алоҳида контекст орқали позициясини билдириб, болаларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада такомиллаштириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, ювеналь адлия тизимини йўлга қўйишни амалга ошириш тарафдори эканлиги таъкидланган.

Урфонбек ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Махсус факультети “юриспруденция” йўналиши талабаси

Ювеналь адлия тизимига 1870 йилнинг бошларида АҚШда асос солинган бўлиб, бу тизим ҳозирда дунёнинг кўпгина ривожланган ҳамда ривожланиш йўлида бўлган мамлакатларида (жумладан, Буюк Британия, Франция, Германия, Чехия, Польша, Туркия, Япония, Канада, Молдова, Қозғистон, Грузия каби жами 60 дан ортиқ мамлакатларда) қўлланилиб келинади ҳамда ундаги асосий тамойиллар БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан 1992 йилнинг 9 декабрда ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция” бандлари талабларига мос келади.

“Ювеналь адлия, ювеналь юстиция” атамалари латинча сўз бирикмаси асосида мавжуд бўлган “Juvenile justice”, яъни “Болалар ва вояга етмаганлар одил судлови” деган маънони англатади.

“Ювеналь адлия” тизимининг мазмун-моҳияти болалар, ўсмир ёшлар ҳамда шу қаторда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга нисбатан ҳуқуқий муомалани яхшилашга қаратилган бўлиб, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилганда ёки вояга етмаганлар иштирокидаги ҳуқуқбузарлик ишларида жиноий жазога тортишни эмас, балки уларни қайта тарбиялаш ва жамиятга мослаштиришга урғу беради. Бу тизимнинг мақсади болаларга нисбатан шафқатли бўлиш, уларни жамиятга унинг фойдали аъзоси қилиб қайтаришдан иборат бўлиб, статистик маълумотларга кўра, бундай ёндашув жорий этилган мамлакатларда болалар, жумладан, вояга етмаган

шахслар орасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ҳолатлари кескин камайган.

Мавжуд амалиётга кўра, ювеналь адлия тизими ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси (полиция маҳкамаси инспекцияси), прокуратура органи (адлия органи) масъуллари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия (ишчи гуруҳ), ижтимоий ходимлар, болалар ҳуқуқлари бўйича мутахассис (юрис)т, болалар психологи (оила психологи), оила ва ёшлар бўлими, ёшлар ҳамда диний ташкилотлар вакилларидан ташкил этилиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган ёшлар билан унинг ҳариди, психологик ҳолати, қизиқишлари, оила муҳитини ўрганиб ҳамда таҳлил қилиб, олинган натижалар асосида унинг яқинларини жалб қилган ҳолда ҳар бир вояга етмаган шахсга маълум муддат (амалда икки-уч ойдан олти-саккиз ой муддатгача) дифференциал ёндашув асосида мақсадли режа тузилиб, режага киритилган барча ижтимоий фойдали фаолият тарзидаги ишлар ишчи гуруҳнинг назорати ва мониторинг остида амалга оширилади ҳамда ижтимоий ходимнинг иш журналларида қайд этилиб борилади. Бунда вояга етмаган шахсга расмий суд жараёни ҳамда ҳибса олиниш билан боғлиқ руҳий таъсирлар туфайли етказилиши мумкин бўлган зарарли таъсирларнинг олди олиниб, вояга етмаган шахсни ўзи хоҳлаган тўғрақ, спорт тури, касб ёки бошқа турдаги

“Adolat” шарҳи



ижтимоий фойдали фаолиятга йўналтириш баробарида, у содир этган ҳуқуқбузарлик оқибатидаги моддий зарар миқдорини жабрланувчига унинг ўз меҳнати ёхуд ота-онаси (қонуний вакиллари) маблағи ҳисобидан тўлаб бериш шарти қўйилади. Бу жараёндаги энг мақбул жиҳат шундан иборатки, ижтимоий фасилитация (бирон-бир ижобий фаолият турини яқка ҳолда эмас, балки гуруҳ таркибида бажариш) жараёнида вояга етмаган шахс барча вазифаларни ўзига хайрихоҳ бўлган шахслар (ота-онаси, яқин дўсти ёки ака-ука, опа-сингиллари, ишчи гуруҳининг исталган аъзолари) билан биргаликда бир ўзи ёлғиз бажаргандагидан фарқли равишда анчайин самарали, тўлақонли ҳамда муваффақиятли тарзда ижро этади.

Ювеналь адлия амалиёти ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахслар учун уларнинг ўз ҳуқуқбузарлиги ҳамда унинг сабаб ва оқибатларини англаб етишга, вояга етмаган шахснинг ўз салоҳияти ва қобилиятларини намоён қилишига, уни фойдали фаолиятга жалб қилишга ҳамда жамиятга қайта интеграция қилишга ёрдам беради.

Ювеналь адлия вояга етмаган шахсларга нисбатан юритилаётган одил судловнинг умумэътироф этилган халқаро стандарти ҳисобланади.

Келтириб ўтилганидек, “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида акс эттирилган, яъни мамлакатимизда ювеналь адлия тизими жорий этилиши ташаббуси болаларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада такомиллаштириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, болалар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси йўлида халқаро мезонларга эришиш, мазкур ташаббус моҳияти билан жамиятда қонунийлик, инсонпарварлик, адолатлилик тамойилларини қарор топтириш, вояга етмаган шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА масъулият ва қонун талаби

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, айниқса, болаларни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган бўлиб, бугунги Янги Ўзбекистон тараққиёти даврида бу мақсад янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда маънавий-маърифий соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотларнинг асосий мақсади соғлом, билимли ва ватанпарвар авлодни вояга етказишдан иборат.

Аброржон ОТАЖОНОВ,
ТДЮУ кафедра мудир,
юридик фанлар доктори, профессор

Бугунги кунда глобаллашув ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши фарзандларимизни маънавий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш масаласини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Интернет орқали тарқалаётган ёт ғоялар ва экстремистик оқимларнинг таъсири кучайиб бораётгани ота-оналар ва давлат зиммасига катта масъулият юклямоқда.

2025 йил 8 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун бу йўналишдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжат билан Жиноят кодексига ўзгариш киритилиб, махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг руҳсатисиз вояга етмаган шахсга диний сабоқ бериш, худди, шунингдек, вояга етмаган шахсга хусусий тартибда диний сабоқ бериш учун жавобгарлик белгиланди.

Бу ўзгариш шунчаки бир ҳуқуқий янгилик эмас, балки фарзандларимиз келажагига нисбатан давлатнинг қатъий позициясини акс эттиради. Болалар онгига ёт ғояларнинг сингдирилиши уларнинг келажагига таҳдид солувчи энг катта хавфлардан бири ҳисобланади. Афсуски, бундай салбий таъсирлар кўпинча ноқонуний диний дарслар орқали амалга оширилади.

Янги нормаларнинг асосий мақсади фақат жазолаш эмас, балки ота-оналар ва бутун жамиятни оғохлантиришдан иборат. Олиб борилган ижобий ишлардан сўнг ҳам баъзи ота-оналар фарзандларини чет элга диний таълим олиш учун юбормоқда. Улар фарзандимиз чет элда хавфсиз муҳитда бўлади, яхши таълим олиб, соғ-саломат ва тарбияли бўлиб қайтади, деб ишонишади.

Бироқ ҳаётий тажриба ва сўнгги йиллардаги ҳолатлар бундай ишонч ҳар доим ҳам ўзини оқламайсизлигини кўрсатмоқда. Ҳаёт таърибаси ва мустақил фикрлаш қобилияти етарли бўлмаган ёшлар бегона муҳитда турли номмақбул таъсирларга дуч келиши мумкин. Айрим ҳолларда улар ноқонуний диний оқимлар ва радикал ғоя ташувчилар домига илиниб қолмоқда. Бу эса уларнинг тақдирини бутунлай издан чиқариб, террорчи, гиёҳванд ёки жиноятчи деган оғир тамга олишларига сабаб бўлмоқда.

Ушбу қонун билан киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар болаларимизнинг соғлом ривожланиши, етуқ шахс сифатида вояга етиши, жамиятнинг фаол ва ватанпарвар аъзоси бўлиб шаклланишини таъминлашга қаратилган. Зеро, болалар бизнинг энг катта боийлигимиз ва эртанги кунимизнинг ишончли пойдеворидир. Уларнинг бахтли ва тинч келажаги учун ҳар биримиз масъулмиз. Янги қонун – Янги Ўзбекистонда келажақ авлод маънавий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолатдир.

WORLD TRADE ORGANIZATION

ЖАҲОН САВДО
ТАШКИЛОТИГА
АЪЗО
БЎЛИШ
ЙЎЛИДА

БИМТ –
Бирлашган
миллатлар
ташқиотининг
193 та аъзо давлатини ўз
ичига олган ҳукуматлар-
аро халқаро ихтисос-
лашган ташкилот бўлиб,
бутун дунё бўйлаб интел-
лектуал мулк масалалари
билан шуғулланади.

Депутат минбари

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш аъзо давлатдан интеллектуал мулкни, жумладан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қатъий қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Бу савдо қоидаларини уйғунлаштириш ва ЖСТнинг барча аъзолари учун тенг шароит яратиш учун зарур ҳисобланади. ЖСТга аъзо бўлишни истаган давлатлар ўзининг миллий қонунчилигини муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро талабларга мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаши зарур ҳисобланади.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар
масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кўра “Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси” ташкил этилди. Фармонга кўра, Палата мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилот, деб белгиланди.

Бугунги кунда Палата фан, адабиёт, санъат ва маданият соҳасидаги муаллиф, санъаткор, ижодкор ва ижрочилар (ҳуқуқ эгалари) ҳамда уларнинг ҳуқуқий ворислари мулкий ҳуқуқларини амалга ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини республика ҳамда республикадан ташқарида рўйбга чиқарилишини таъминлашга кўмаклашиб келмоқда. Палата дунёнинг мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш билан шуғулланиб келаётган 30 га яқин ташкилот билан халқаро ҳамкорлик шартномалари тузган. Эндликда Палата ушбу ташкилотлар фаолият юритадиган давлатларда ҳам ўз муаллифлари (ҳуқуқ эгалари) учун муаллифлик ҳақи йиғиш имконига эга бўлди.

Бу йил Палата соҳани ривожлантириш йўлида халқаро миқёсда муҳим қадам ташлади. Яъни, Палата Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) билан ҳамкорликка киришиб, ушбу ташкилотнинг Ассамблеялари ва бошқа барча тадбирларида расмий кузатувчи мақомига эга бўлди. Бу ҳақдаги қарор БИМТнинг 2025 йил июль ойида Женевада бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинди.

Маълумки, БИМТ Бирлашган миллатлар ташкилотининг 193 та аъзо давлатини ўз ичига олган ҳукуматлараро халқаро ихтисослашган ташкилот бўлиб, бутун дунё бўйлаб интеллектуал мулк масалалари билан шуғулланади. У интеллектуал мулк соҳасида халқаро қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқади, патентлар ва товар белгилари билан муҳофазаланган интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади ва аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиради.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Палатанинг БИМТда расмий кузатувчи мақомига эришиши катта аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ижодий соҳасининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишда стратегик имкониятларни тақдим этади. Шунга кўра, Палата БИМТнинг асосий йиғилишларида қатнашиш, глобал муҳокамаларда ўз позициясини билдириш ва илғор тажрибаларни мамлакатимизга олиб кириш ҳуқуқига эга бўлди.

Бугунги кунда Палатанинг олдида муҳим вазифалар турибди. Яъни, муаллиф ва ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг асарларидан ноқонуний фойдаланилишининг олдини олиш, ҳуқуқ эгалари ва асарлар ягона рўйхатини шакллантириш, шунингдек, муаллифлик ҳақини йиғиш ва тўланишини таъминлашда иштирок этишдир.

Бинобарин, жаҳонда муаллифлик ҳуқуқи ижодкорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижодкорлик соҳасини рағбатлантириш орқали ялпи ички



маҳсулотга сезиларли таъсир кўрсатади, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшади. Масалан, БИМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, 2022 йилда ижодий хизматларнинг глобал экспорти 1,4 триллион долларни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич аънавий товарларга нисбатан тезроқ ўсиб бормоқда. Муаллифлик ҳуқуқи ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда, асосан, ижодий соҳалар ва интеллектуал мулк орқали муҳим вазифани бажаради. Бунда санъат, адабиёт, мусиқа, дастурий таъминот ва бошқа ижодий маҳсулотларни яратишни рағбатлантиради, кейинчалик эса бу маҳсулотлар тижоратлаштирилади ва экспорт қилинади, даромад келтиради ва иқтисодий ўсишга олиб келади.

Бу жараёни бир қанча йўналишларда қўриш мумкин:

Ижодий товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш. Муаллифлик ҳуқуқи ижодкорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, бу уларга китоб, мусиқа, фильм, дастурий таъминот ёки дизайн ёчимлари сингари ўз асарларини сотишдан фойда олиш имконини беради.

Ижодий соҳаларни ривожлантириш. Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари бўлган ноширлик, кино ишлаб чиқариш, мусиқа саноати, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва бошқа ижодий соҳаларга сармоя киритиш фаолиятини рағбатлантиради.

Янги иш ўринларини яратиш. Ижодий соҳалар ижодий таркибини ишлаб чиқариш, тарқатиш, сотиш билан боғлиқ фаолиятда иш ўринларини яратади. Бу эса аҳолининг бандлиги ва даромадлари даражасига бевосита таъсир қилади.

Солиқ тушумлари. Ижодий соҳалардан олинадиган даромад солиққа

тортилади, бу эса давлат ғазнасига улкан ҳисса бўлиб қўшилади ва ижтимоий дастурлар ҳамда инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий хизматлар экспорти. Муаллифлик ҳуқуқи мамлакатларга дастурий таъминот, фильм, мусиқа, дизайн ва бошқа ижодий маҳсулот ҳамда хизматларни экспорт қилиш имконини беради, бу эса валюта тушумларини оширишга ёрдам бериб, савдо балансига ижобий таъсир кўрсатади.

Интеллектуал мулк соҳаси халқаро экспертларининг ҳулосаларига кўра, ижодий ва дастурий таъминот саноати ривожланган мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бошқа мамлакатларга нисбатан кўпроқ ҳисобланади. Шу билан бирга, муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро савдода фаол иштирок этувчи ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги тартиб-таомилларни қатъий қўллайдиган давлатлар ҳам иқтисодиётда ушбу секторнинг юқори улушини намойиш этмоқда. Бу соҳада АҚШ, Хитой, Сингапур каби давлатларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш арафасида турган бир пайтда юртимизда интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи соҳасининг самарали ишлаши ва мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига самарали улуш қўшишини таъминлаш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Шу муносабат билан Палатанинг БИМТнинг расмий кузатувчиси мақомида фаолият олиб бориши давлатимизда интеллектуал мулк соҳасининг янада тараққий этиши, муаллифлар мулкий ҳуқуқларини маҳаллий ва халқаро доирада ишончли бошқариш, ҳуқуқларни амалда таъминлаш ҳамда миллий асарларимизни дунё жамоатчилигига тақдим этиб боришга хизмат қилади.

МУСТАҚИЛЛИК
ФАРЗАНДИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида турибмиз. Ўтган йиллар давомида навқирон бир авлод вояга етди. Улар бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессансга пойдевор қўйиш йўлида фидоийлик билан меҳнат қилмоқда. “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси, истеъдодли опера ижрочиси Ақилбек Пиязов ана шу авлоднинг ёрқин вакилидир.

Орифжон ЎЛМАСОВ,
Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри солисти сифатида халқимизга хизмат қилаётган истеъдодли ижодкор Президентнинг яқинда имзоланган фармонида мувофиқ “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланди.

Ақилбек Пиязовнинг санъатга меҳри, фидоийлиги ва юксак ижодий маҳорати эътирофга сазовор. У юртимиз шарафини халқаро саҳналарда юксалтириш орқали мамлакат ёшлари учун шахсий намуна кўрсатмоқда. Шунингдек, шахсий сифатлари, жамият, халқ тақдирига ўзини дахлдор санаши, Ватанга садоқати билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Ёш санъаткор эришган натижалар мамлакатимиз билан чегараланмаган. Ўтган йиллар давомида Қозоғистон, Россия ва Италиядаги нуфузли мусиқа танловларидаги ғалабалар, “Нихол” давлат мукофоти, “Лучано Поворотти” фонди сертификати Ақилбекнинг санъатдаги йўлини беэба тўрибди.

Ақилбек Пиязов – санъатни маънавий таъсир кучига эга стратегик восита сифатида кўра оладиган замонавий авлод вакили. Унинг ҳар бир қўшиги, саҳнадаги ҳар бир чиқиши ортида миллий гурур, маънавий уйғониш оҳанглари бор.

А.Пиязов ижодини унинг сиёсий фаолигидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. У “Адолат” СДП аъзоси сифатида жамиятда адолат, тенглик ва ҳуқуқ устуворлиги тамойилларини тарғиб қилмоқда, айниқса, ёшларга ибрат бўлиб, уларга ижодий рағбат кўрсатмоқда. Бу – сўзда эмас, амалда жамиятнинг маънан бойитишининг, келажакни соғлом руҳда шакллантиришнинг ёрқин намунасидир.

Унинг давлат мукофотида лойиқ кўрилиши Президентимиз раҳнамолигида ёшлар учун яратилаётган имкониятларнинг самараси, ишонч ва эътироф тимсолидир.

Партияимизнинг фароналик кўп минг сонли аъзолари ва жамоатчилик вакиллари номидан Ақилбек Пиязовни самимий табриклаймиз!

“ЎРТА ЙЎЛАК” ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

“Adolat” шарҳи

**Қодир ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор**

Жорий ойнинг бошида Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида Президент Ш.Мирзиёев нуқт сўзлаб, унда жумладан, “Ўрта йўлак”ни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Уни тўлиқ ишга тушириш учун, биринчи навбатда, келишилган транзит сиёсати, тартиботларни соддалаштириш ва контейнерларда юк ташиш учун мақбул тарифларни жорий этиш муҳимдир”, деб алоҳида таъкидлади.

Шу ўринда “Ўрта йўлак” нимани билдиради, унинг аҳамияти нимада, деган ҳақли савол туғилади.

“Ўрта йўлак” — геосиёсий ва геоиқтисодий атама бўлиб, Транскаспий халқаро транспорт йўлагини назарда тутати. Яъни, бу Хитойдан Марказий Осиё ва Кавказ орқали Туркия ва Европа мамлакатларига олиб борадиган маршрутдир.

“Ўрта йўлак” деб номланишининг сабаби – у Каспий денгизи орқали ўтади ва Россия орқали ўтадиган “Шимолий йўлак” ҳамда Эрон орқали ўтадиган “Жанубий йўлак”ларнинг ўртасида жойлашган.

Бошқача айтганда, “Ўрта йўлак” Хитой → Қозоғистон/Ўзбекистон → Туркменистон/Озарбайжон → Грузия → Туркия → Европа транспорт йўлагидир.

Яқинда Озарбайжон ва Арманистон ўртасида Зангезур коридорини ишга тушириш бўйича принципал келишувга эришилганлиги келгусида “Ўрта йўлак”нинг аҳамиятини янада оширади. Чунки Зангезур коридори “Ўрта йўлак”нинг муҳим таркибий қисми сифатида Кавказдаги йўл тармоқларини анча қисқартиради ва логистик алоқаларни янгидан қуриш имконини бе-



ради. Ҳозирги кунда “Ўрта йўлак” орқали Озарбайжондан Туркияга юклар Грузия (Боку–Тбилиси–Карс темир йўли) орқали утаётган бўлса, Зангезур коридори ишга тушгандан сўнг, юкларни Арманистон ҳудудидан ўтиб, Нахичеван орқали тўғридан-тўғри Туркияга ташиш имконияти туғилади. Бу эса, “Ўрта йўлак” бўйлаб масофани қисқартириш ва транзит вақтини 1–2 кунгача тежаш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, “Ўрта йўлак”нинг аҳамияти ниҳоятда юқори. У Европа–Осиё савдо йўллари диверсификация қилиш, транзит вақтини қисқартириш, сиёсий ва иқтисодий хавфларни камайтириш имконини беради.

Таълим

Ҳаётнинг энг ширин палласи — болалик. Унинг энг ёрқин дамлари эса, шубҳасиз, мактабда кечади.

Қўлдаги қалам — келажак калити, китоб — ҳаёт мазмуни, елкадаги сумка — орзулар юки, кўзлардаги нур эса умид шуъласидир.

МАКТАБ — буюк орзулар бешиги!



Муҳиддин ОМАД,
"Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши
матбуот котиби,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси

Қайноқ ёз палласида ўтган дамлар болалар учун саргузаштлар даври бўлиб, улар янги дўстлар орттиради, турфа манзараларни кўради.

Олтин куз фасли кириб келиб, ёрқин бўёқларда ўзини кўз-кўз қилаётган пайтда, болаларнинг покиза қалбиди соғинч ҳисси уйғониб, мактаб сари шоша бошлайдилар.

Биринчи кўнғироқ садоси чалинганда соғинчлар бор манзилда уч-рашадилар. Унинг овози мурғак қалбларни уйғотади, кўзларга қувонч улашади. Бу шунчаки кўнғироқ эмас, балки янги ҳаёт йўлини бошлаб берувчи овоз. Шу боис узоқ танфусдан сўнг илмга чорловчи кўнғироқни эшитган ҳар бир бола қалбиди улуг ният пайдо бўлади.

Эслайлик, ҳар биримиз мактабга биринчи бор қадам қўйган кунимизда ота-онамиз: **“Болам, мактаб — ҳаётнинг мактаби, у ерда сен илм билан улғаясан”**, деган гапларни айтишган. Ана шу лаҳзаларда юрагимиз бошқача урган ва ўзимизни катта масъу-

лият оstonасида тургандек ҳис қилганмиз.

Дарвоқе, **соғинч** — мактабни ёдга олиш эмас, балки илмга ташналик ва катта мақсадларга интилишнинг янги имконидир. Шу лаҳзада ҳар бир ўқувчи гўёки мактаб остонасига илк бор қадам қўяётгандек ҳис этади ўзини. Синф эшиги очилиб, устозининг илқ табассумини кўрган ўқувчи қадрдон маърифат саройига қайтганини ҳис этади. Демак, болалар мактабга нафақат соғинч, балки янги имкониятлар умиди билан қадам қўяди.

Мактаб — буюк орзулар бешиги. Уларни рўйбга чиқариш эса катталарнинг масъулияти.

Илк кўнғироқ — чиндан ҳам бола ҳаётидаги унутилмас кун. Жозибали садо — бутун умрга таъсир этувчи чорраҳа бошидаги чорлов. Унда орзулар, интилишлар, билимга чанқоқлик ва юртни севиш масъулияти жамланган.

Кўнғироқ чалиб, ўзига чорлаёт-

ган мактаб — маънавий пойдевор, келажак авлоднинг маърифат маскани, миллий тараққиёт ва истиқлолимизнинг ишончли қафолатидир. Билим даргоҳига қадам қўйган ҳар бир зийрак ўқувчи юрт равнақи учун масъулиятни ўз зиммасига олаётганини ҳис эта бошлайди.

Қўлига китоб олган боланинг ҳаёт саҳифаларида янги дунё эшиги очилади. Ҳар бир жумла — қўйилган қадам, ҳар бир фикр — янги кашфиёт, ҳар бир маъно — ҳаёт йўлидаги ўчмас ёғду. Шунинг учун бола китобни қўлга олганда, у нафақат ўқувчи, балки келажак йўловчисига айланади.

Биринчи устоз, биринчи дарс, биринчи ёзилган ҳарф... Буларни унутиб бўлмайди. Улар ҳаётнинг қадмаларига айланиб, инсонни турфа манзиллар сари бошлаб бораверади.

Йўлга тушган болаларга фақат билим ўргатиш билан чекланмай — уларга ҳунар, катта ҳаётга тайёргарлик, инсонийлик ва ватанпарварликни ўргатиб бориш зарур бўлади. Китоб — уларнинг энг яқин дўстига айлансин. Бу борада эса ҳар бир ота-она, ҳар

бир инсон ўрнатқ бўлиши шарт. Бола кўпроқ эшитган гапига эмас, қўзи билан кўрганга эргашади.

Бугун фарзандларимизнинг буюк боболаримиз йўлидан бориши учун биз уларга ўша йўлни кўрсатишимиз, шу йўлнинг гўзал ва улғуворлигини ҳис эттиришимиз керак. Алишер Навоийнинг қаломидан, Имом Бухорийнинг илмидан, Бобурнинг жасоратидан, Берунийнинг зиёсидан илҳом олишга ундашимиз керак.

Унутмайлик: илм ва ҳунарга суянган миллатнинг келажаги ёруғ, маърифатга қўлоқ тутган халқнинг кучи бекиёс бўлади.

Илк кўнғироқ — нафақат болаларнинг байрами, балки ота-оналар, устозлар ва бутун жамият учун тантана. Чунки бу кўнғироқ садосида келажак авлоднинг қадамлари шаҳмалашади, миллат тақдири шаклланади.

Устознинг илк сабоғи, дафтарга ёзилган илк сўз, китобдан ўқилган илк жумла — ҳаёт мактаби сари очилган йўлдир. Бу туйғулар ҳар бир боланинг бутун умрига йўлдош бўлиб қолади.

ЮРТ ФАЙЗИ ОБОДЛИКДА

Қадрият

Мустақиллик байрами арафасида мамлакатимиз бўйлаб “Обод ва фойзли маҳалла – юрт кўрки” шиори остида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳаширида барча маҳаллалар аҳолиси билан биргаликда “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари ҳам фаоллик кўрсатишди. Ҳашар туйғили маҳаллалар ободлаштирилди, дарактлар парвариш қилинди, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жумладан, пойтахтимиздаги “Бек-тўли”, “Ал-Хоразмий” маҳаллаларида ҳам “Адолат” СДП Чилонзор туман кенгаши томонидан умумхалқ хайрия ҳашири намунали тарзда ташкил этилди.

Туман кенгаши депутатлари А.Хусаинов, Б.Раҳимов билан бирга маҳалла фаоллари ва ёшлардан тортиб, оддий фуқароларгача бир ёқадан бош чиқариб, ўз ҳудудини янада чиroyли ва озода қилишга ҳисса қўшилар.

Депутатлар ҳамиша халқ орасида бўлиб ибрат кўрсатишяпти. Ҳашар жараёнида уларнинг гулзорларни парвариш қилаётгани, турар-жойлар, ҳовлилар атрофини саранжом-саришта қилишга кўмаклашяётгани маҳалла аҳлини янада руҳлангирди. Зеро, одамлар билан ёнма-ён бўлиш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш — депутат учун чин маънода халққа хизмат қилиш демакдир.

Мазкур ҳашарда нафақат ҳудуд ободлиги таъминланди, балки бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик қадриятлари янада мустаҳкамланди. Депутатларнинг фаол иштироки эса халқ ишончини оқлаш, уни амалий ишларда кўрсатиш — энг улугъ масъулият эканини англатади.

Энг муҳими, маҳалла аҳли мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга ўз ҳиссаларини қўшиш иштиёқида эканликларини, озод Ватанга ободлик ва озодалик ярашишини намоён этишди.

Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати



Ибрат

“Мен дунё тарихини ўқиб, шундай ҳулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, қасрлару саройлар Мухаммад(алайҳиссалом)нинг ямоқ яктақларига ҳам арзимас экан...”

Биз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юқори бўлишига қарамай, Ҳизрати Мухаммад(алайҳиссалом) сўнгги поғонасига қадар чиқа олган зинанинг биринчи пиллоясидамиз, холос. Ҳеч шубҳа йўқки, бIRON кимса у зотдан юқори-роққа ўта олмайди”.

ГЁТЕ,
немис шоири

ЁШ МУҲАНДИСЛАРИМИЗ ГИННЕСЛАР РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Ифтихор

Фарангиз АБРУЕВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Ўзбекистон ёшлари яқинда “Янги Ўзбекистон” боғида тарихий ғалабага эришди. Илк бор муҳандислик ва робототехника йўналишида мамлакатимиз номидан Гиннес рекорди ўрнатилиб, юртимиз номи яна бир бор дунё миқёсида янгради. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё давлатлари орасида муҳандислик соҳасида қайд этилган илк Гиннес рекорди бўлди.



Шу пайтгача мамлакатимизда бу йўналишда рекорд қайд этилмаган эди. Тадбирда 2 000 нафар ёш муҳандис 25 дақиқа давомида 1 946 та мини-роботни ясаб, ҳаракатга келтирди. Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон ёшлари дунёдаги энг йирик муҳандислик миссиясини амалга оширди. Маълумот учун, Гиннес рекордлар китобида робототехника соҳасига оид 351 та рекорд тури мавжуд.

2023 йилда Ҳиндистонда 1 459 нафар ёшлар бир вақтнинг ўзида мини-робот ясаб, ҳаракатлангирган эди. Ўзбекистон ёшлари бу кўрсаткични янгилаб, глобал миқёсда катта ютуққа эришди. “Муҳандислик миссияси” нафақат рекордни қўлга киритиш, балки ёшларга улкан тажриба, амалий билим ва жамоавий иш қўнимчаларини ҳам тақдим этди. Миссияда қатнашган ҳар бир ёш ўз қобилиятига ишонч билан қараб, инновацион тафаккурини ривожлангирди ҳамда келгусида глобал майдонда рақобатлаша оладиган мутахассис сифатида шаклланиш йўлида муҳим қадам қўйди.

Рекордда ҳудудий олийгоҳлардан 1 000 нафар, Тошкент шаҳридан 930 нафар, Президент таълим муассасалари агентлиги таркибидан 50 нафар, имконияти чекланган 20 нафар муҳандис ёшлар иштирок этди. Айниқса, имконияти чекланган ёшларимиз ҳам ўз иқтидорини намоён этиб, имкониятлари асло чекланмаганини амалда исботлаб бердилар.

Тадбир жараёнида Бутунжаҳон Гиннеслар рекорди ташкилотининг ҳаками Сарл Терри Савилле иштирок этиб, роботлар ясаб жараёнини назорат қилиш ва натижани расман эълон қилди. 25 дақиқа ичида яратилган роботлар текширувдан ўтказилиб, Гиннес рекорди янгилангани ҳақида сертификат тантанали равишда Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Кўнғиротбой Шариповга топширилди.

Ёш муҳандислар меҳнати ва истеъдоди орқали юртимизнинг катта байрамига ўз тўғасини тақдим этдилар. Бу ғалаба мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга тайёр турган янги авлод муҳандисларининг шаклланаётганидан далолат беради.

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: ИслOM ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Масъул котиб — Абдугани Содиқов



Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тонг” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10-3656 рақами билан 2016 йил 04 апрелда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 801

Адади — 2 275
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10

Баҳоси келтирилган нархда

Тахририятга келган қўлғезмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида chop этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!